O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил
22 май,
сешанба
№ 21 (225)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Фармон ва ижро

"ХАЛҚ - ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ..."

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг 1 майида эълон қилинган "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Президент фармони ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир. Бутун жамоатчилигимиз томонидан қизғин кутиб олинган ушбу Фармонда, жумладан шундай дейилади: "Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди".

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш комиссияси мазкур Фармонда кўзда тутилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини ташкил этиш, зиёратгоҳни сайёҳлик йўналишига киритиш, мажмуа ҳудудини янада ободонлаштириш, бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ ишларни бошлаб юборди.

Яқинда Президент ҳузурида ушбу комиссия амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди, йиғилишда халқимизнинг азалий анъаналарига мос бўлган бу тадбирнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти, маъно-мазмуни ва маърифий-мафкуравий йўналиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

- Аввало, шуни айтиш лозимки, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, биз "Қатағон қурбонлари" деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30-йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва санъат арбобларига нисбатан қўлланилади. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон этилган. Уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолган. Бу сиймоларнинг фожеали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эсга олинади. Лекин, мен "қатағон қурбонлари" деган тушунча аслида кенгроқ ва теранроқ мазмунга эга, деб ўйлайман.

Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Масалан, чор қўшинлари Тошкентни забт этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни қириб ташлаган, оналар ва болаларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққан. Ёки бўлмаса, 1916 йили Жиззах қўзғалони шафқатсиз равишда бостирилгач, беаёв қатағон этилган аждодларимизни бир эсланг. Бундай инсонлар чоризм қамоқхоналарию Сибир сургунларида ном-нишонсиз йўқ қилиб юборилган.

Худди шунингдек, истибдод даврида содир бўлган юзлаб норозилик ғалаёнларнинг қонга ботирилганини эслаш мумкин...

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак!

Ислом КАРИМОВ

Шўро тузуми даврида ҳам шафқатсиз қирғин-қатағонлар муттасил давом этган, колхозлаштириш баҳонасида неча минг меҳнаткаш, омилкор деҳқонлар қулоқ сифатида сургун қилинган, тазйиқ ва таъқибларга гирифтор этилган. Албатта, бугун биз ўша даврдаги машъум қатағон оқибатида қурбон бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг номларини кўпроқ биламиз. Уларнинг хотирасини тиклаш, иззат-ҳурматини жой-жойига қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди...

Қатағон қурбони бўлган ўнлаб зиёлиларнинг илмий ва адабий асарлари чоп этилиб, мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда, уларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ташкил топиши билан боғлиқ тарихий адолат тикланиши ҳам шу йўлдаги катта ишлардан биридир.

- Бу фидойи инсонларнинг хотирасини эъзозлаш билан боғлиқ эзгу ишларимиз бундан буён ҳам изчил давом этади, деди Президент, лекин мени кўпроқ бошқа бир масала ўйлантиради: мустабид сиёсат минг-минглаб оддий одамларни, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни ҳам асоссиз равишда қатағон қилган эди-ку! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши кулфатдан чиқмай ном-нишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Биз, ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдида ҳам қарздормиз. Эҳтимол уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, эслаш жоиз, албатта.

(Давоми 3-бетда)





Атоқли бастакор Мутал Бурҳонов 85 ёшга тўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 майдаги Фармонига биноан Ўзбекистон халқ артисти М.Бурҳонов ***"Эл-юрт ҳурмати"*** ордени билан тақдирланди.

* * *

17 май куни Ўзбекистон Республикасининг **"Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги ва 18 май куни **"Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонунлари матбуотда эълон қилинди. Ушбу Қонунлар шу кундан эътиборан амалга киритилди.

* * *

Мамлакатимизга Японияниng **"Кейдзай Доюкай"** корпоратив раҳбарлар уюшмаси делегацияси ташриф буюрди.

Делегация аъзоларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида шу йилнинг май-июн ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловига тайёргарлик ҳамда сайловнинг ҳуқуқий асослари юзасидан журналистлар билан мулоқот ўтказилди.

* * *

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Ўзбекистон нефти ва гази" (OGU) мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

* * *

Республика таълим марказида узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва янги турдаги ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масалаларига бағишланган семинар-кўргазма ташкил этилди.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида "Инсон тараққиёти ҳақида маъруза" журнали чоп этилди. Унда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

* * *

Мамлакатимизнинг 16 та олий ўқув юртлари проректорлари Москва Давлат университетида ташкил этилган икки ҳафталик семинарда иштирок этиб қайтишди.

* * *

Самарқанд Давлат университетида Европа Иттифоқининг таълим комиссияси ҳамкорлигида халқаро семинар ташкил этилди.

* * *

Фарғонада "Экология, оналик ва болалик" дастури бўйича "Экофестивал" бошланди.

* * *

Сурхондарё вилоятида ғалла ўрими бошланди.

* * *

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Маънавият ва маърифат" кенгаши ва Бадиий академия ҳамкорлигида мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан **"Шу азиз Ватан - барчамизники"** деб номланган фестивал ўтказилмоқда.

* * *

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида **"Ёш журналист маҳорати ва матбуот эркинлиги"** мавзусида мулоқот ўтказилди.

* * *

20 май куни Тошкентда гольф бўйича биринчи Ўзбекистон очиқ чемпионати бошланди.

ВАТАН МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Тарихнинг бурилиш нуқталарида Бурҳоновлар сулоласи ҳеч қачон четда турмаган. Ҳам афсус, ҳам миннатдорчилик билан айтаманки, бугунги ёруғ кунларни кўриш фақат менгагина насиб этди. Озодлик йўлида амакиларим, акам қурбон бўлишди. Уларни мустабид тузум мавҳ этди, жисман йўқотди...

Қариндош-уруғ, оғайниларидан ажраб, 10 ёшида ҳаётнинг шафқатсиз синовларига отилган бола бир кун келиб, мустақил Ватан мадҳиясини яратади, деса, ҳеч ким ишонмас. Ватан туйғуси, Ватан мадҳияси... Бу тушунчалар муштарак, бир-бирига уйғун, чамбарчас боғлиқ. Мустабид тузум даврида Ватан деганда халқимиз онг-шуурига ўта мавҳум тушунчаларни мажбуран сингдиришга уринишган.

Шукрки, мана шундай изтиробли кунлар ортда қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Давлат мадҳияси янгича истиқлол руҳида кун тартибига қўйилди. Танлов матбуотда эълон қилинди.

Шундан сўнг бу олижаноб ишда мен ҳам иштирок этдим. Ахир, бундан қувонмай бўладими?!

Юртимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов мусиқага мослаб янги матн ёзди. Биз у билан бир неча ҳафта давомида ҳар бир оҳанг, ҳар бир бўғин устида машаққат билан ишладик. Меҳнатимиз зое кетмади. Янги эълон қилинган танлов қатнашчиси сифатида мустақил давлатимиз парламентида ўтирар эканман, қалбим ғурурга тўла эди, чунки шу мусиқа ўтирганларнинг қалбидан жой олишига ишонардим. Мусиқанинг ярмига келганда олқишлар бошланди. Залдагиларнинг туйғуларини ажиб бир оҳанг ва эҳтирос билан Юртбошимиз ифодалаб бердилар:

- Мен қаерда, қайси чет эл мамлакатларида бўлмай, шу улуғвор мадҳия жаранглаганда қалбим тўлқинланиб кетади...

Зал гулдурос қарсаклар билан бу самимий сўзларни қарши олди. Халқ депутатлари бир овоздан Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳонов мадҳиясини янги, мустақил Ўзбекистон Давлат мадҳияси сифатида тасдиқлашди. 1992 йилнинг декабр ойи эди. Шунда мен 77 ёшни қаршилаётган эдим, лекин ўзимни навқирон йигитдек ҳис қилдим. Шоиримиз Абдулла Орипов мени қучоқлаб олди. Мен унинг пешонасидан ўпдим...

Шу дамларни эслар эканман, тақдирнинг буюк инъомидан фахр туяман.

1998 йилнинг августида мустақилликнинг 7 йиллиги муносабати ила **«Буюк хизматлари учун»** ордени билан тақдирландим. Куни кеча эса Президентимизнинг Фармонларини ўқиб, кўнглим тоғ каби кўтарилди. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан тақдирлаганим ёшимга ёш қўшди. Ижодкорнинг эл-юрт ардоғида бўлишидан катта бахт борми! Ҳурриятга эришган халқим, муҳтарам Президентим қадримга етди, озодлик бошимни силади. Барча-барчаси учун чин юракдан ташаккур айтаман.

Мутал БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Адлия тизими

БУХОРО

Вилоят адлия бошқармаси томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермер хўжаликлари, оила пудратчилари ва бошқа субъектларнинг манфаатларини кўзлаб, 2001 йилнинг шу кунига қадар туман, шаҳар судларига ва вилоят хўжалик судига 293 та (115.010.707 сўмлик)даъво аризаси киритилди. Шундан вилоят хўжалик судига 47 та (68.700.259 сўмлик) ариза киритилди. Бугунги кунга қадар бу аризаларнинг 20 таси (58.786.585 сўмлик) қаноатлантирилиб, ижро этишга юборилган.

* * *

Туман судларига 246 та (46.310.448 сўмлик) даъво аризаси киритилиб, 6 та (975.179 сўмлик) даъво аризаси қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорлари чиқарилган. 10 та (12.019.827 сўмлик) даъво юзасидан келишув битими тузилганлиги сабабли фуқаролик иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Шу сонга хабар

КЎЗЛАРИ МОШДАЙ ОЧИЛДИ

Янгийўллик тадбиркор Насиба Қўзиева фермер хўжалиги ташкил этишга қарор қилди. Мақсад ерга меҳр бериб, элимиз дастурхонини тўкин қилиш эди. Лекин мақсадга етиш осон бўлмади. Туман ҳокими Ю.Тожибоев опани кўп овраи сарсон қилди. Шундай қилсам, ер олишдан ўзи воз кечади қўяди, деб ўйлаганди. Ҳоким бу ҳаракатларининг давлат сиёсатига ҳам мос келмаслигини яхши билса-да, кўз юмиб юраверди. Насиба опа ҳам бўш келмади. Аёл ҳуқуқини талаб қилиб, Адлия вазирлигига мурожаат этгач, ҳоким жанобларининг кўзлари мошдай очилиб, ер бериш тўғрисида қарор чиқариб берганлигини ўзи ҳам билмай қолди.

Насиба опани халқободликлар яхши билишади. Суяги меҳнатда қотган, ернинг тилини тушунадиган ҳақиқий деҳқон. 1985 йилдан буён тумандаги У.Юсупов номли ширкатда оила аъзолари билан биргаликда меҳнат қилиб келади. Кейинги йилларда ижарага ер олиб, режаларни доимо ортиғи билан бажарган. Қарамоғидаги олмазорга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Ишнинг кўзини билган опа ширкат хўжалиги билан шартнома асосида боғ ичига оралиқ экин экиб, помидор ҳам етиштирарди. Раиснинг бепарволиги оқибатида ерни шудгорлаш, ўғитлаш, сув билан таъминлаш каби ишлари ҳеч қачон вақтида бажарилмасди. Оқибатда меҳнатнинг мевалари баъзан ҳавога учарди. Айнан шундай паллада ширкат раиси И.Маткаримов ҳосил талаб қилишга тушарди.

1999 йилда ҳам бу ҳол такрорланди. Раис режа бажарилмаса, нақд пул тўлайсизлар, деган шарт қўйди. Лекин у ўзи бажариши шарт бўлган ишларни адо этишни хаёлига ҳам келтирмасди. Режа қийинчилик билан уддаланди. Опа пешона тери билан ҳосил кўтариб, режани бажарса ҳам раиснинг кўпол муомаласидан қутулолмасди. Буларнинг баридан безган опа оила аъзолари билан фермер хўжалиги ташкил этишга қарор қилиб, 2000 йилнинг январида ширкатга ер сўраб ариза ташлади. Ўша йилнинг 13 мартида хўжалик аъзолари иштирокида ўтган мажлисда аризалар кўриб чиқилиб, сув билан таъминланиши оғир бўлган ерлардан ер бериш тўғрисида қарор чиқарди. Раис ҳам осонликча жон берадиганлардан эмас экан, ундан қарорнинг нусхасини ололмай, Насиба опа декабр ойигача сарсон бўлди. Ниҳоят, ҳимоячи кўмагида қарордан кўчирма олиб, уни туман ҳокимига элтди. 2001 йилнинг 11 февралида ер ажратилиши тўғрисидаги хўжалик қарорини кўрган ҳоким муовини Р.Фозилов мажлис баённомасида опанинг фамилияси йўқлигини баҳона қилиб, ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатни расмийлаштиришдан бош тортди.

Кейинчалик маълум бўлишича, ширкат томонидан ер беришни пайсалга солиш ёки умуман бермаслик мақсадида атайин нотўғри қарор чиқарилган. Ҳокимлик эса ана шу арзимас баҳоналар билан ер бермаслик йўлини танлаган. Арзимас сабаблар билан деҳқонларга ер беришни пайсалга солишдан мақсад нелигини тушуниш балки қийин эмас. Ҳизмат вазифасидан фойдаланиб, ўз муддаосини кўзлаган бундай жаноблар-нинг яхшиямки, танобини тортиб қўядиганлар бор. Бўлмаса...

- **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда махсус Қарори чиқарилганди, - деди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Шокир Саидов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Қарорга асосан фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини узоқ муддатга беришда асосан аризалар 10 кун муддатда кўриб чиқилиб, қарор қабул қилиниши лозим. Янгийўллик раҳбарлар эса бир қарорни чиқариш ва ижро қилишга нақ 2 йил вақт сарфладилар. Бу ҳам бўлса, Н.Қўзиеванинг Адлия вазирлигига поймол этилаётган ҳуқуқларини тикланишини сўраб мурожаат этганидан сўнггина ҳал қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
«Туркистон-пресс»

Конституция ва биз

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Инсоннинг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир
Шахсни ҳимоя қилиш, унинг ҳаётини хавфли тажовузлардан муҳофаза этиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири саналади

Учинчи сабоқ

Учинчи сабоғимиз инсоннинг яшаш ҳуқуқлари хусусида. Уни Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ шарҳлайди.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган бугунги кунда ҳар биримиз Асосий қонунимиз — Конституцияга эҳтиёж сезамиз. Шу туфайли ҳам миллий истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари муқаддас деб эълон қилиниши, давлат ҳимоясига олиниши муҳим аҳамиятга молик ҳуқуқий ютуғимиздир. Ахир, сўнгги 70 йил мобайнида Ватанимиз қонун нуқтаи назаридан ҳам маъмурий буйруқбозлик тизимига қарам ва сиғиниш ҳолатида эди. Хайриятки, энди у хўрликлар ортда қолди. Энди инсон ҳуқуқи қадрланган қонунларимизга ишонамиз. Қонунлар эса ҳар бир инсоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодирдир.

Мустақил давлатимиз қонун доирасида инсонларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Халқ иродасини ифодалаган Конституциямизнинг 24-моддаси ҳам инсон манфаатлари ва хоҳиш-истаклари инобатга олинганлиги билан ғоят қимматлидир. Бу модда фуқаролик жамияти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, фуқароларни тинч-тотув яшашини тўла кафолатлайди.

Ўзбекистон миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъий назар, умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳақиқатда таъминлаб берадиган давлат эканлиги унинг ҳозирги Конституциясини собиқ шўролар даврида қабул қилинган конституция билан таққослаганда, янада яққолроқ намоён бўлади. Шўро замонидаги конституция ўзидан катта Конституцияга бўйсуниш тартибида тузилгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Фахр билан айтиш мумкинки, мустақил давлатимиз Конституциясининг 24-моддаси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг, аниқроғи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг талабларига тўла мос келади. Зеро, шахсни ҳимоя қилиш, унинг ҳаётини ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофаза қилиш давлатимиз олдидаги муҳим вазифалардандир. Шунинг учун ҳам Ватанимизда инсон ҳаётининг дахлсизлиги учун барча реал қонуний кафолатлар яратиб қўйилди.

Инсоннинг энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу — унинг тинч яшаш ҳуқуқидир. Бундай ҳуқуққа ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, тили, динидан қатъий назар эгадир.

Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни мавжуд ҳуқуқий воситалар билан кафолатлаб беришдир. Негаки инсон ҳуқуқини амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам худди шу шарт билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» дейилган бўлса, фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституция талабларига мос равишда қабул қилинган қонунлар билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди», деб белгиланган.

Яшаш ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланиб, ҳар бир фуқаро унга ёшидан ва соғлигидан қатъий назар эгадир.

Шифокорларга беморларнинг ўзлари илтимос қилган тақдирда ҳам, ўлимини тезлаштириш воситаларини қўллаш, қандай йўллар ва усуллар билан бўлмасин, барибир таъқиқланади. Бундай хатти-ҳаракатларни содир қилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига асосан белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ҳам алоҳида ўрин тутади. Ушбу кодекс инсон ҳаётини турли хил ижтимоий хавфли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади.

Мазкур Кодекснинг бир қанча моддаларида (97-, 103) инсон ҳаётига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Жиноят Кодексининг махсус қисми билан бошланадиган 97-моддасида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модданинг санкция қисмида эса жазо сифатида 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланган.

Бу ўз навбатида инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг дахлсизлиги ҳар жиҳатдан қонуний муҳофаза этилгани, бу борадаги ҳар бир салбий хатти-ҳаракат кескин қоралашини англатади.

Шу билан бирга бундай олижаноб тамойилларнинг Бош қомусимизда ўзининг яққол ифодасини топиши унинг улуғворлигидан далолат беради.

Биз Конституциямизнинг инсоннинг яшаш ҳуқуқи тўғрисидаги бир моддаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни қисқача баён этдик. Яшаш ҳуқуқи қўламлари эса ниҳоятда кенг. Улар тўғрисида навбатдаги мақолаларимизда батафсил фикрлашамиз деган ниятдамиз.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир.

Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси



Аждодлар хотираси муқаддас

Адлия тизими

ФАРҒОНА

Вилоят адлия бошқармаси томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, 2001 йилнинг шу кунигача судларда 78 та (умумий суммаси 34.537.414 сўмлик) даъво аризаси берилди. Шундан 26.962.414 сўми моддий, 7.575.000 сўми эса маънавий зарардан иборат.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган даъво аризаларининг 35 таси кўриб чиқилиб, масъул мансабдор шахслардан тадбиркорлар фойдасига 1.262.324 сўм моддий ва 780.000 сўм маънавий зарар ундирилган.

Шунингдек, адлия бошқармасининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлими томонидан 87 та (30861918 сўмлик) даъво аризаси киритилиб, шундан 40 та (13895000 сўмлик) даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди.

Талаба мулоҳаза юритади

ҲУҚУҚИЙ ОНГ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Ҳар бир касбнинг ўзига хос жиҳатлари бўлади, жумладан, ҳуқуқшунослик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки бу касб эгалари бевосита қонунчилик амалиёти билан шуғулланадилар.

Хўш, сиз танлаган касбингизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини қандай тасаввур қиласиз?

Ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори қўйилаётган бугунги кунда бу касб эгаларининг зиммасидаги масъулият нималардан иборат?

Жамоатчи мухбиримиз Тошкент Давлат юридик институти талабалари ўртасида ўтказган ўзига хос сўров сизни бефарқ қолдирмайди, деган фикрдамиз.

1. Нега айнан юристлик касбини танлагансиз? Институтда ўқиш жараёнида касбингиз ҳақидаги тасаввурларингиз ўзгардими?

2. Замон нуқтаи назаридан ёндошсак, ҳозир, сизнингча, мамлакатимизда юрист кўпми, озми? Кўп бўлса кўплигини, кам бўлса камлигини қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

3. Ҳуқуқий онг, назарингизда, юрист учун қандай аҳамиятга эгаю, бошқалар учун қанчалик муҳим?

Улуғбек АҲМЕДОВ, 3-курс талабаси:

1. Ёшлигимдан ҳуқуқий тартиботга қизиқаман. Шу қизиқиш мени юристлик касбига етаклади. Институтда ўқий бошлаганимдан сўнг бу соҳа ҳақидаги тасаввурларим тубдан ўзгарди. Юристликнинг ўзига хос қирраларини кунт билан ўрганаяпман.

2. Фикримча, юртимизда юристлар озми-кўпми бор. Лекин муҳими, уларнинг сони эмас, балки сифатидадир.

3. Ҳуқуқий онг — юрист онгининг таркибий қисми. Менимча, юристнинг онги ҳуқуқий онг билан уйғунлашиб кетган бўлади.

Муаттар АЛЛАЁРОВА, 3-курс талабаси:

1. Шу кабсни танлашимга кўп жиҳатдан отам сабабчи бўлганлар. Отам юрист бўлиб, менда шу соҳага нисбатан қизиқиш уйғотган. Институтда ўқиш жараёнида касбимга бўлган меҳрим янада ошди. Шуни тушундимки, ҳуқуқшунослик касби мен ўйлагандан кўра машаққатлироқ, масъулиятлироқ экан.

2. Мамлакатимизда юристларни оз деб бўлмайди. Лекин бир муаммо бор. Шунча юрист ўз касбининг фидойиси бўла олаяптими? Танлаган касбим орқали халқимнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиламан.

3. Ҳуқуқий онг юрист учун ҳам, бошқалар учун ҳам бирдек муҳим. Ҳуқуқий онг бўлгандагина оқни қорадан ажратиш мумкин. Чунки ўз ҳуқуқини онгли равишда англаган шахсгина жамиятда ўз ҳуқуқларини талаб қила олади.

Фахриддин ОТАБОЕВ, 3-курс талабаси:

1. Ёшлигимдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Институтга кирганимдан сўнг танлаган касбим ҳақидаги тасаввурларим, қарашларимнинг ўзгариши табиий.

2. Менимча, мамлакатимизда ҳозирча юристлар кам. Масалан, ривожланган мамлакатларда ҳар бир фирманинг, ҳар бир оиланинг, ҳар бир тадбиркорнинг ҳам ўз юристи бор. Юристларнинг кўпайиши ҳуқуқий жамиятда ижобий ҳол, албатта.

3. Менимча, ҳуқуқий онг ҳамма учун бирдек керак. Албатта, касб нуқтаи назаридан қарагандa, ҳуқуқшунослар учун ҳуқуқий онг сув ва ҳаводек зарур.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА, 3-курс талабаси:

1. Орзуим фақат прокурор ёки судья бўлиш эмас, балки яхши инсон бўлиб етишиш. Ўқиш давомида танлаган касбим ҳақидаги тасаввурларим чуқурлашиб бораяпти.

2. Менимча, мамлакатимизда юристлар етарли. Лекин фикримча, бу борада сифат етишмайди. Юристларимиз бундан-да кўпроқ билимга эга бўлишлари керак, деб ўйлайман.

3. Ҳуқуқий онг юрист учун қандай аҳамият касб этса, бошқалар учун ҳам шунчалик муҳим. Ҳуқуқий онгсизлик ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликка олиб келади. Шунинг учун иложи борича ҳуқуқий онгни ривожлантиришимиз керак. Шунда тараққиётга тезроқ эришамиз.

Мансуржон БОЛТАБОЕВ, 3-курс талабаси:

1. Давр нафаси билан яшаш ҳамда ушбу жараёнда бевосита иштирок этиш мен учун мароқли, шунинг учун ҳам юристликни танладим. Ўқишга кирганимдан сўнг бу соҳанинг ўзига хос жиҳатларини чуқурроқ ҳис қила бошладим.

2. Бу саволга жавоб беришим жуда қийин. Чунки мен ҳам талабаман. Менимча, мустақил Ўзбекистонга ўз касб сирларини пухта биладиган, ишчан ва фидойи юристлар керак.

3. Ҳуқуқий онг юристга ҳам, бошқа фуқаро учун ҳам бирдек зарур. Фақат юристлар шу соҳани ривожлантиришда бошқалардан кўра кўпроқ масъулиятлидирлар.

Барно АВЕЗОВА, 3-курс талабаси:

1. Ҳуқуққа қизиқишим мени шу институтга етаклаган. Юристлик ҳақидаги тасаввурларим ўқишга кирганимдан сўнг анча ўзгарди.

2. Менимча, юристлар юртимизда кам. Жамият ривожланган сари юристларга эҳтиёж тобора ортиб боради. Умид қиламанки, яқин ўн йилларда бизнинг давлатимиз ҳам ривожланади. Ана шунда бизга малакали, билимли, ҳалол юрист кадрлар керак бўлади.

3. Ҳуқуқий онг ҳамма учун керак. Юрист ҳуқуқий онгининг қай даражадалиги унинг қандай юристлигини белгилайди. Бугунги кунда кўпчилигимизда ҳуқуқий онг етишмайди. Ўз ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз. Шунинг учун мактаб ва олий даргоҳлардан ташқари, матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб этиш, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фаррух ОЛИМБЕК тайёрлади

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз ёшлар! Сиз тенгдошларингиз — бўлажак юристларнинг танлаган касби ва шу касбнинг жамиятдаги мавқеи юзасидан фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Ушбу саволларга сиз қандай жавоб берган бўлар эдингиз? Жавобларингизни кутамиз.

ЭГИЛДИ, БУКИЛДИ...

АММО СУДДА СИНМАДИ

Каттақўрғон туманида Оқдарё дарёси бўйида Қўштепа қишлоғи бор. Қишлоқ четидан Миёнкол канали оқиб ўтиб, қўшни Хатирчи тумани далаларига об-ҳаёт етказади. Миёнкол канали билан Оқдарё дарёси оралиғидаги ерларнинг ҳар қаричи қўштепаликларга таниш. Болаликдан ўйнаб-ўсган ерларининг шароитларини улар яхши билишади. Оқдарёнинг ўнг соҳилида тўрт гектарлик тераксор бор. Уни ўн йил муқаддам қишлоқ оқсоқоли Эгамберди бобо Нурматов барпо этган. Ташландиқ ерда атрофга ҳусн-тароват бахш этувчи тераксор барпо этган отахон бандаликни бажо келтиргач, оиланинг тўнғичи Мустафо мулкдор бўлишга қарор қилди. У укаларини ёнига чорлаб, мақсадини айтди. Кейин тўртовлон бирикиб, «Соҳиба» фермер хўжалигини ташкил этишди. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 25 гектар ер ва падарбузруквори барпо этган 4 гектар тераксор туман ҳокимининг 1999 йил 13 январ қарори билан уларга ажратиб берилди. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Лекин...

Орадан бир йил ўтиб, каттақўрғонлик тадбиркорлар орасида «фермер Мустафо Нурматов устидан жиноий иш қўзғатилганмиш, қамалар экан», деган гап-сўзлар тарқалди. Аслида бу шунчаки «миш-миш» эмас, балки унда жон бор эди.

Туман прокуратураси томонидан «Соҳиба» фермер хўжалигининг фаолияти назорат тартибида текширилиб, аудиторлик текшируви тайинланди. Самарқанд шаҳар «Интизом» аудиторлик фирмаси аудитори Рашид Анорбоев ишга енг шимариб киришди. У фермер хўжалигининг молиявий хўжалик фаолиятини ипидан-игнасигача синчиклаб текшириб чиқди. Лекин кутилмаганда, нотўғри хулоса ясади: фермер хўжалиги шартномага асосан Каттақўрғон пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонасига пахта хом-ашёси етказиб бермаган. Шу сабабли давлатга 770 минг 263 сўм миқдорда зарар етказган. Бундан ташқари, пахта экилиши кўзда тутилган ерга шоли экиб, 36 тонна ҳосил етиштирган. Аммо текшириш мобайнида жами 658 минг 920 сўм бўлган 16 минг 473 килограмм шоли кам чиққан.

- Аслида бундай эмас эди, - дейди Мустафо Нурматов оғир хўрсиниб, - 29 гектар майдоннинг 4 гектари тераксор бўлса, қолган 25 гектар майдонга экин экилиши керак. Майдоннинг шўри камроқ бўлган 11 гектарига пахта экдик. Қолган 14 гектар майдонга мутахассислар экин экиб бўлмайди, деган хулоса беришди. Шу сабабли биз қолган майдонларга шоли экдик. Пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонасига 11 гектар майдондан 25 тонна ўрнига 28,5 тонна пахта етказиб бердик. Етиштирилган шоли ҳосилининг бир қисмини ишчиларга натура ҳолида иш ҳақи сифатида тарқатдик. Қолган қисмига техника сотиб олдик. Бироқ аудитор гапимизга умуман қулоқ солмади, ўз билганидан қолмади.

Аудитор Рашид Анорбоевнинг пухта ўрганмасдан ўзбошимчалик билан чиқарган нотўғри хулосаси фермер хўжалиги раҳбари Мустафо Нурматов ва унинг аъзоларига анча қимматга тушди. Туман прокурорининг 2000 йил 13 январдаги қарорига асосан тадбиркор Мустафо Нурматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» банди ва 167-моддаси 3-қисми «в» банди билан жиноий иш қўзғатилди. Тергов ишлари тугалланиб, иш судга оширилди.

Каттақўрғон туман суди ушбу жиноят ишини ўрганиб, М.Нурматовнинг содир қилган ҳаракати ўзининг ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган, деган хулосага келди. Амалдаги ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми 1-бандига асосан ишни юритувдан тўхтатди. Шундан кейин Самарқанд вилоят суди Раёсатининг қарори билан М.Нурматовнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли иш ҳаракатдан тўхтатилган.

Фермернинг 14 гектар майдонига ер ўта шўрлангани сабаб экин экиб бўлмайди, деган мутахассислар агрохулосаси берилган экан, М.Нурматов ва фермер хўжалиги аъзоларининг ерни алмашлаб экиш ҳаракатида бўлгани нимаси ёмон? Пахта тозалаш корхонасини қарздор қилиб қўйгани, давлат ёки бирон бир кишидан маблағ олмасдан ўз кучи билан ишчиларни жалб қилиб, 36 тонна шоли ҳосили етиштиргани, қўл остидагиларга иш ҳақини бериб, фермер хўжалигига техника сотиб олгани таҳсинга лойиқ эмасми? Фермер хўжалиги аъзолари шўр ерга шоли экиб, унинг шўрини бироз бўлса-да, ювишга эришган. Бу биринчидан. Иккинчидан, ўзларининг иқтисодларини оз бўлса-да, тиклашган. Учинчидан, сув билан ҳаводек зарур қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишган. Бунга фақат тадбиркорлик-таваккалчилик орқасидан эришишган. Энди ўн тўрт гектар майдонга шоли уруғи учун қанча маблағ сарфланишини бир тасаввур қилиб кўринг. Агар табиий офат ёки бошқа бир сабаб билан кутилган ҳосил олинмаганда, Мустафо Нурматов чув тушиб қолар, харажатга ҳам, меҳнатга ҳам куярди. У ҳолда унга ким мадад берарди? Аудиторми, тергов қўзғаган қонун эгаларими?

Ота-боболаримиздан «Салласини ол деса, калласини олади», деган нақл қолган. Аудитор Рашид Анорбоевнинг текширувини ана шу нақлга менгзаш тўғрироққа ўхшайди. Яхшиямки, 2000 йил сентябрдан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги Қонуни амалга киритилди. Йўқса, Р.Анорбоевга ўхшаган аудиторлар М.Нурматовдек тадбиркорлардан қанчасини бўйнига айб тақаб, темир панжара эшиги олдига суриб борарди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси «Соҳиба» фермер хўжалиги раҳбари Мустафо Нурматовнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, Самарқанд шаҳар «Интизом» аудиторлик фирмаси аудитори Рашид Анорбоевдан етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризаси киритди. Шу йилнинг 20 апрел куни мазкур суд судьяси Холбой Ўташев раислигида ўтказилган суд мажлисида тадбиркор М.Нурматовнинг фойдасига жавобгар Р.Анорбоевдан 350 минг сўм маънавий зарар, 70 минг сўм давлат божи ундириш тўғрисида қарор чиқарилди.

Ҳақиқат эгилди, букилди, аммо судда синмади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Ватан остонадан бошланади

БЕПАРВОЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Ер ҳақиқий эгасини топсагина жаннатмисол гўзалликни, тўкин-сочинликни бизга туҳфа этади. Ерни ардоқлайман, меҳнат қиламан деган кишига мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган. Лекин шундай инсонлар йўлига тўғаноқ бўлаётган кишилар борлиги кишини таажжубга солади. Яқинда Ўртачирчиқ туманида содир бўлган шундай ҳолатга суд ҳукми билан нуқта қўйилди.

Мазкур туманда яшовчи Сунʼнатилла Шертоевга «Истиқбол» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил 1 февралда бўлиб ўтган умумий йиғилишида фермер хўжалигини юритиши учун 10 гектар ҳайдаладиган ер майдони ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинганди. 2001 йилнинг 4 январида туман ҳокимлиги томонидан ижара шартномасини тузишга рухсат этилди. Суннатилла ака ер олиш учун нимаики талаб этилса, ҳаммасини бажарди. Ҳужжатлар тахт қилинди. Қоидага кўра энди у ўз ерига эга бўлиши керак эди. Масала ечими «Истиқбол» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Ўктам Ҳайдаровнинг битта имзосига қолганда вазият бироз чигаллашди. Раис негадир бу ишни пайсалга солди. Суннатилла ака далаларда айни иш қизиган паллада раис идорасига қатнаб овораи сарсон бўлди.

- «Суннатилла» фермер хўжалиги раиси С.Шертоев бу ҳақда бизга мурожаат қилгандан сўнг вазиятни ўргандик, - деди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Шокир Саидов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ў.Ҳайдаров асоссиз равишда фермерни сарсон қилаётгани аниқлангандан кейин унга огоҳнома юборилди. Афсуски, огоҳномага ҳам у бепарволик қилди. Суд эса ҳаммасига ойдинлик киритди.

Ўртачирчиқ туман фуқаролик судида кўриб чиқилган мазкур иш фермернинг фойдасига ҳал этилди. Вазиятнинг бу қадар кескинлашишини кутмаган раис каловланиб қолди. Раис ерни эгасига қўшқўллаб топширибгина қолмай, унга етказган маънавий зарари учун чўнтагидан юз минг сўм ҳам тўлайдиган бўлди.

Шунингдек, раис Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 66-моддасида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатларини содир этганлиги учун суд ҳукмига кўра 7 минг 500 сўм жарима ҳам тўлашга мажбур бўлди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Адлия тизими

НАМАНГАН

Шу пайтгача вилоят адлия бошқармасига 167 та ариза ва шикоят келиб тушди. Улардан 60 таси қаноатлантирилди, 81 тасига амалдаги қонунлар асосида йўл-йўриқлар кўрсатилди. Шу каби мурожаатлар билан ишлаш жараёнида турли ташкилотларга 27 та тақдимнома, 1 та огоҳнома, жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 3 та таклиф ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судларга 12 та даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, жойларда назорат қилувчи идоралар томонидан ноқонуний текширишлар, ноқонуний жаримага тортиш ҳолатлари кузатилмоқда. Текширишлар давомида туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан 82 та рўйхатга олишдаги камчилик, 54 та ер ажратиш борасидаги адолатсизлик, 16 та ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатлари аниқланиб, барчасига тегишли чоралар кўрилди.

Тадбиркорларга нисбатан шундай ноxолисликлар банклар ва бюджетдан ташқари фондлар томонидан кредитлар бериш борасида ҳам юз бермоқда. Асоссиз равишда кредит бермаслик ёки муддатни ўтказиб юбориш сингари тўсиқлар афсуски, ҳануз учраб турибди.

Адлия тизими

ҚАШҚАДАРЁ

* Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йилнинг шу кунига қадар жами 30 та (20 млн. 048 минг 543 сўмлик) даъво аризаси тегишли судларга киритилганди.

Бу даъво аризаларидан 10 таси (5 млн. 63 минг 627 сўмлик) тегишли судларда кўриб чиқилиб, уларнинг барчаси тўла қаноатлантирилди.

* Адлия бошқармаси бўлимига шу кунгача жами 17 та ариза ва шикоят келиб тушди. Шундан 1 таси прокуратура органларига юборилган, 4 таси бўйича ҳуқуқий тушунча берилган, 2 та аризадаги ҳолатлар ўз тасдиғини топмаган ва 10 та ариза тўлиқ қаноатлантирилди.

* Бошқарма томонидан 11 та тақдимнома киритилган бўлиб, уларнинг тўлиқ ижроси таъминланди.

* Вилоятнинг ҳар бир туманида биттадан (жами 14) намунавий фермер хўжалиги ташкил этилиб, ҳозирга қадар ҳар бир туманда ўқув семинар машғулотлари ўтказилди.

* Жами 5 та бир тарафлама тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритилган.

* Адлия вазирлигининг тақдимномасига асосан жами 121 камчилик кўрсатилган бўлиб, шундан 111 таси бартараф этилди.

* Тақдимнома асосида 67 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

СОХТАЛИКНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Деҳқоннинг косаси қачон оқаради? У фермер бўлишга интилиб ер олмоқчи бўлса, унумдор дала учун раис билан тортишади, сувнинг келадиган йўлини, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини обдон ўрганиб, сўнг маҳсулот етиштириш учун шартнома тузади? У эртага доғда қолмаслик учун шундай қилишга мажбур. Бу тамойил айниқса, Сирдарё вилоятида одат тусига кирган.

Шароф Рашидов, Мирзаобод ёки Меҳнатобод туманларида ишлаётган тажрибали деҳқондан ернинг аҳволи қандай, деб сўранг фиғони фалакка чиқади. Ернинг дарди деҳқоннинг тилига кўчганди бир олам муаммони эшитасиз. Ариқзовурнинг тўлиб кетгани-ю, тупроқнинг шўри, сув исрофгарчилиги, маблағнинг йўқлиги, айтаверса гап кўп.

- Ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаётгани учун деҳқон эмас, шу соҳага масъул бўлган раҳбарлар айбдор, - деди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг прокурори Абдували Мустафоев "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. - Вилоят гидромелиоратив экспедицияси ҳисобида 1962 километр хўжаликлараро очиқ зовурлар, 2818 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар мавжуд. Экспедиция бу зовурларни тозалаш учун давлатдан ўтган йили 195 миллион 464 минг сўм ўрнига кўпроқ, яъни 196 миллион 72 минг сўм олгани ҳолда иш ҳажмини 70 фойизга бажарган. Сайхунобод туманида бу иш 21 фоизга, Мирзаобод, Ховос туманларида 48 фоизга, Боёвут туманида 52 фоизга етган холос.

Шунингдек, ўтган йил ёпиқ-ётиқ зовурларни тозалаш 250 километр белгиланган ҳолда, амалда 203 километрни ёки 81 фоизни ташкил этган. Бу иш Боёвут туманида бор-йўғи 42 фоизга етган. Зовурнинг қолган қисми қачон, қайси маблағ ҳисобидан тозаланади? Буни ҳеч ким билмайди. Ховосда эса 15 километрлик зовурни нега тозаланмасдан қолганини ҳатто экспедиция раҳбари Раҳим Абдураззоқовнинг ўзи ҳам изоҳлиб беролмади.

А.Мустафоевнинг фикрича, мелиорация ишлари учун давлат томонидан берилган маблағларни ишлатишда ҳам сохталикка йўл қўйилган. Масалан, экспедиция буюртмасига кўра 10-К-2 хўжаликлараро зовурнинг ПК-125дан ПК-131 гача бўлган оралиғида 600 метр хажмда бажарилган ишлар қайта ўрганилганда, ярми сохта эканлиги аён бўлди. Бу қўшиб ёзишнинг баҳоси 123 минг 722 сўм экан. Натижада "Зовуркурилиштаъмир" корхонаси раҳбари Э.Тўрабоев ва бошқалар қонун олдида жавоб берадиган бўлишди. Агар экспедиция раҳбари Раҳим Абдураззоқов ўзи пул билан таъминлаётган ишларни етарлича назорат қилганда бундай қонунбузарликларга йўл қўйилмас зди. Афсуски, тизимдаги кўзбўямачиликлар шу билан тугамайди. Гидромелиоратив экспедициянинг буюртмасига кўра, Оқ олтин туманидаги "Агрофирма" нинг хўжалик ҳисобидаги бўлими 10-К-2 хўжаликлараро зовурнинг ПК-52дан ПК-67гача бўлган оралиғида 7 минг 910 куб метрлик иш бажардик, деб қоғоз тўлдирган. Бироқ текширишда бу ҳужжатдаги қўшиб ёзиш 194 минг сўмдан ортиқ эканлиги аён бўлди.

20-механизациялашган кўчма жамланма томонидан 7-К-3-2-хўжаликлараро очиқ зовурда бажарилган ишлари ҳам 918 минг 346 сўм ўзлаштирилганлиги очилиб қолди. Бу маблағнинг ҳавога совурилиб кетаётганлигини наҳотки, буюртмачи ташкилот раҳбари билмаган бўлса? Очиғи, бунга ишониш қийин.

- Агар бу пул кимнингдир чўнтагидан чиққанда бошқа бир кишининг ҳамёнига сохта хужжатларга ўралиб кириб кетмасди,- сўзини давом эттирди А.Мустафоев. - Давлатники-да ичи ачишмайди. Шунинг учун ортиқча чиқим қилиб юборган. Зовурнинг тили бўлсаки, айтса, э, оғайни инсоф билан-да, деб. Афсуски, айрим раҳбарлар айби очилиб қолгандан кейингина инсофни ўйлаб қолишади. Менимча, қонунни бузиб тавба қилгандан кўра, унга амал қилган афзал. Чунки вилоят қишлоқ хўжалигидаги бу сохталиклар уни "яратган" раҳбарларнинг ўзига ҳам, заҳматкаш деҳқонга ҳам қимматга тушаяпти.

Сирдарё вилояти, "Туркистон-пресс"

Ҳикмат

ОТАЛАР ДЕЙДИКИ:

кўприк қирғоқларни эмас, одамларни бирлаштирувчидир.

* * *

қайчининг ҳар иккала дами бирбирига қараб интилгандагина кесади.

* * *

шунинг учун ҳам кўпчиликнинг баракаси борки, оз-оздан жамғарилса, талай нарса йиғилади.

Бухоро: «Уздунробита» Ўзбекистон-Америка ҳамкорлиги

Кичик ва ўрта бизнес

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги солиқ идоралари томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, энг муҳими, солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик малакали йўлга қўйилган. Шунингдек, улар солиқ қонунчилиги борасида ҳам фаол тарғибот ишларини олиб боришаяпти. Ҳар бир катта-кичик натижа бу борадаги интилишлар, астойдил меҳнатга боғлиқ.

Туман сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик соҳасида кетмакет муваффақиятларга эришмоқда. Малакали раҳбарлик, деҳқончилик маданиятининг ошганлиги, бу борадаги эркинликлар ютуқларимизнинг ишончли манбаи бўлиб қолмоқда. Вобкентнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, турли соҳаларда — саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик ва ўрта бизнес, мулкчиликнинг бошқа соҳа ва шаклларида ўсиш-ривожланишни кузатиш мумкин. Назоратимизда бўлган 8 та солиқ туридан фақат биттаси, яъни экология солиғи бажарилмади. Қолган барча солиқ турлари бўйича режа ортиғи билан уддаланди. Белгиланган режаларимизни ўтган йиллар билан солиштирганда 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 384681,7 минг сўм кўп маблағ туширишга эришдик. Бунинг асосий сабаби туманимиз ҳудудида янги саноат корхонаси ташкил этилганлиги ва самарали фаолият кўрсата бошлаганлигидир. Бундан ташқари кўплаб бошқа корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, улар барқарорлигининг ортиб бориши иқтисодиётга таянч бўлмоқда.

Вобкент туманида солиқ инспекцияси рўйхатида 661 та корхона мавжуд бўлиб, шундан 636 таси солиқ тўловчи ҳисобланади. Ўтган йилда республика мувофиқлаштириш комиссияси иш режасига киритилган 241 та корхона, ташкилот ва муассасаларда солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича ҳужжатли текширишлар ўтказилди. Натижада 137 та солиқ қонунчилигини (турли кўринишда) бузиш, 22 ҳолатда эса даромад ва бошқа солиқ объектларини яшириш ҳоллари содир этилганлиги аниқланди. Бюджет даромадларига қўшимча равишда 7118,0 минг сўм солиқ, 16581,0 минг сўм молиявий жарималар ҳисобланиб, ундирилди. Солиқ қонунчилигини бузган 133 нафар мансабдор шахсларга нисбатан 2132,0 минг сўм маъмурий жарима солинди.

Биз туманимиз миқёсида тадбиркорликнинг униб-ўсиши, ривожланишига шароит яратиш, ҳуқуқий кўмак бериш, қонунлар билан таништириб боришни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз. Ҳозирда туманимизда 675 нафар тадбиркор даромад солиғи тўлайди.

2001 йилги белгиланган вазифаларни бажариш учун биринчи галда солиқ тўловчилар билан ҳамкорликни янада самаралироқ йўлга қўйдик. Чунки юридик ва жисмоний шахсларга солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш, қўшимчаларни етказмай туриб ёки солиқларнинг ўз вақтида тўланишининг аҳамиятини тушунтирмай туриб, кўзлаган натижага эришиш мушкул. Шу ниятда биз имкон қадар осон ва таъсирли усуллардан фойдаланамиз. Жумладан, турли матбуот воситаларида, вилоят телерадиокомпаниясида ходимларимизнинг чиқишларини уюштирмоқдамиз. Шунингдек, маҳаллаларда солиқ тўловчилар билан учрашувлар ўтказиб, турли саволларга жавоблар бераяпмиз ҳамда солиққа тортишга доир муаммоларни биргаликда ечаяпмиз.

Юқорида мен режаларимизнинг бажарилиши, кўрсаткичларимиз ҳақида салмоқли рақамларни тилга олдим. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар бир рақам, ҳар бир сўм ортида, аввало, меҳнат, тадбиркорлик бор. Иқтисоднинг барқарорлиги самарали меҳнатга боғлиқ. Буни биз яхши англаймиз. Туман Давлат солиқ инспекцияси шахсий таркиб ходимлари барча тадбиркорлар билан ҳамкорликда туманимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун куч-ғайрат билан, бир-биримизга ишонч билан қонунлар устуворлигига таяниб ишлайверамиз. Зеро, ҳамкорлик ютуғимиз гаровидир.

Зикрулло ФАТУЛЛАЕВ,
Вобкент туман
Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

Фармон ва ижро

“ХАЛҚ - ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...”

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, пойтахтимизда бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, бир сўз билан айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

Бундан бир йил муқаддам мазкур зиёратгоҳнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Президент шундай деган эди: **“Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳалиҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз”.**

Кўни кеча эълон қилинган Фармонга мувофиқ бундан буён ҳар йили 31 август куни мана шу зиёратгоҳда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

- Бу маросимда, таъкидлади Президентимиз, моҳият-эътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожеали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганда оёғида чориқ эгнида яхтак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат “Шаҳидлар хотираси” мажмуи қад кўтарган Бўзсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, ғашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ҳзбекистонни аниқ-равшан тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчаданқанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор, деб уқтирди Президент.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожеалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган Қатағон қурбонлари музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндошиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, умуман, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир.

Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири; ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим, деди Президент.

Маълумки, мазкур фармонга асосан “Шаҳидлар хотираси” мажмуини янада ободонлаштириш кўзда тутилган. Бу ишни амалга оширишда ёдгорлик мажмуи муқаддас зиёратгоҳ эканини унутмаслик зарур. Бу ерда ҳамиша маъюс бир сукунат ҳукмрон бўлиши, зиёратга келган одам ўтганларни эсга олиб, умрнинг, бугунги дориломон кунларнинг қадрини англаб етиши, зиёратгоҳ шунга мос маърифий-тарбиявий масканга айланиши, айниқса муҳимдир.

Ҳозирги пайтда биз тарихимиз, аждодлар хотираси билан боғлиқ кўплаб меъморий иншоотлар, ёдгорлик мажмуалари бунёд этяпмиз, дея давом этди Президент, аммо уларнинг ижтимоий вазифасини, бу жойларда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳали-бери ўзимизга тўла тасаввур қилиб, уларнинг маънавий-маърифий йўналишини аниқ ишлаб чиққанимизча йўқ. ҳолбуки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири - мана шундан иборат. Бу ишда, айниқса ижтимоий соҳа олим ва мутахассислари, маданият аҳли, ижодкор зиёлиларимиз ибрат ва фаоллик кўрсатишлари даркор...

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихий адолатни тикламасдан туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу маънода давлатимиз раҳбари олимлар, адабиёт ва санъат вакиллари олдига қўяётган хайрли вазифа ҳар биримиздан масалага катта масъулият билан кенг ва атрофлича қарашни тақозо этади.

Истибдод даврида қатағон қурбони бўлган улуғ сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай зулмга ноҳақ гирифтор этилган жафокаш оддий одамларни, уларнинг ортида қолган, хўрлик ва ситамдан боши чиқмаган зурёдларини бугун биз, истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлаётган миннатдор авлод ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки халқ деганда унинг улуғ сиймолари билан бирга миллионлаб оддий вакиллари - ҳунарманду деҳқонлари, сувчию чўпонлари - барча-барчаси яхлит ҳолда намоён бўлади .

Ўз озодлиги йўлида беҳисоб қурбонлар берган, машаққатли курашларда сабот ва матонат кўрсатган халқимиз хотираси олдида, юртбошимиз таъкидлаганидек, доимо бош эгамиз.

ЎзА

Ҳикмат

ОТАЛАР ДЕЙДИКИ:

ақлли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди.

***

дўст-дўстга шундай кўзгуки, ундан тиниқроғи йўқ.

***

виждони қалтис кимсадан дўстлик кутма.

***

яхши дўст — туганмас хазина.

Азамат ЗИЁ,
Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ёшлар ҳаёти ва интилишлари худди уларнинг ўзи каби ранг-баранг ва серқиррадир. Шундай бўлса ҳам уларнинг дунёқарашида алоҳида ўрин тутадиган интилиш бўлиши табиий. Нафақат табиий, балки зарур ҳамдир. Чунки ёшлар ҳаёти ва масалалари қайсидир бир пойдеворга суяниши лозимлигига шубҳа йўқ. Бундай пойдевор, менинг фикримча, тўрт йўналишни қамраб олиши керак.

Биринчиси, бу ҳеч шубҳасиз миллатпарварлик, ватанпарварлик руҳидир. Ўзи мансуб бўлган миллат ва киндик қони тўкилган Ватанга садоқатли инсон, Президентимиз иборалари билан айтганда, элим деб, юртим деб яшайдиган ёш авлоднинг руҳи ҳамиша мамлакатимизнинг эртанги кун манзарасини аниқлаштириб бериши турган гап. Демак, миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳини биз биринчи ўринга қўйишимиз лозим. Бу эса иккинчи йўналишни тақозо этади. Яъни ёшларимизнинг илму маърифатга интилишини, Ватанни, миллатни шунчаки ардоқлаш камлик қилади. Юртнинг ривожи тўғрисида қайғуриш, бунда ўз ҳиссасини кўра олиш ёшларимиз учун ўта муҳим. Бунга эса юртингни англашинг учун, миллатинг билан ғурурланишинг учун, кечаётган жараёнларнинг мағзига етиб боришинг учун, вақти келиб ўз салоҳиятинг ва ҳаракатинг даражасида халқинг тортаётган юкка елкадош бўлишинг учун аввало, билим керак. Зеро, эртага умумишга нима билан, қайси иҳҳатинг билан бош қўшасан? Агар на илминг, на касбинг бўлмаса, нафақат миллатинг, балки яқинларинг у ёқда турсин,ўзингнинг ҳам корингга ярамай қоласан. Бир сўз билан айтганда, боқимандда, томошабин бўласан-қоласан. Бундан чиқди учинчи йўналиш, ёшларимизни боқимандалик кайфиятидан холи этиш, уларнинг ўз кучига, миллати ва юрти имкониятларига ишонтириш билан боғлиқ. Ёшларимизнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳи аъзоси сифатида жойларда бўлиб ўтган учрашувларда қатнашиб, кўзга яққол ташланган икки ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Бири улардаги интилувчанлик, қизиқиш, ташаббускорлик бўлса, иккинчиси, боқимандалик, кимдандир, нимадандир кутиш кайфияти. Савол туғилади: қандай қилиб ўзаро қарама-қарши икки кайфият бир инсонни, яна қанақа денг, ёш инсонни эгаллаб олган? Давримизнинг мураккаблиги ҳам шундаки, бугунги авлод, жумладан, ёш авлод ҳам ушбу жараёндан ўтишга мажбур. Яъни эскилик ва янгилик ўртасидаги курашни бошидан, ўзидан кечиришга мажбур. Шу ўринда мен Юртбошимизнинг мустақилликнинг дастлабки йилларида алоҳида таъкидлаган бир сўзларини эслашни лозим, деб биламан. Истиқлол шарофати билан бошланган мустақил давлат, демократик жамият, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш муаммолари устида тўхталиб, Йўлбошчимиз шундай деган эдилар: **«Одамларнинг онги-ни, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди»**. Ҳақиқатан ҳам, кўп нарса онгга, тафаккурга боғлиқлигини ўтган йиллар таҳлили яққол кўрсатмоқда. Айниқса, ёш авлод мисолида. Эски замон сарқитлари ҳатто ўша даврларни кўрмаган авлод жисмида ҳам бор. Демак, биз боқимандалик, томошабинлик кайфиятига қарши ёшларда бунёдкорлик, ўз аравасини, миллат юкини тортишда масъулият туйғусини кучайтириш, шакллантириш учун бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз ва бу борада қатъий турмоғимиз лозим. Замонавий онг эса ҳуқуқий тафаккур билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу энди тўртинчи йўналишдир. Москва давлат университети олимлари билан учрашувда Президентимиз давлат ва жамият бошқарувидаги оптимал тизим масаласида алоҳида тўхталиб ўтдилар, яъни онгли ишловчи тизим ҳақида. Бундай тизимни шакллантириш ва бошқаришда инсоннинг, онгли инсоннинг роли беқиёс, албатта. Онг эса нафақат ўзлигини англаш, балки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат ва жамиятда мавжуд имкониятларни билиш ҳамдир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, айниқса, ёшлар орасида ўта муҳим вазифададир.

Келинг, шу охирги йўналиш атрофида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Чунки қўмитамизнинг асосий фаолияти қонунчилик билан боғлиқ бўлса-да, аммо ёшларимизнинг қонунларни билиш даражаси, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданиятининг сустлиги бизни ушбу масала хусусида жиддий бош қотиришга ундайди. Биргина мисол. «Ҳар бир маҳаллага бир спорт мажмуи» ҳаракатини бошлаганимизда, мавжуд мавзе ва маҳаллалар ҳудудидаги мактаб, мавзе ва маҳалланинг ўзида спорт майдонлари қуриш, уларга имконини топиб, ер ажратиш хусусида келишиб олдик. Шунингдек, ҳокимият вакилларидан янги бунёд этилаётган мавзе ва маҳаллалар лойиҳасига, албатта, шундай спорт мажмуалари учун ер ажратишни илтимос қилдик. Илтимос қабул қилинди. Аммо буни очиқ тан олиб айтаман, кейинчалик иш жараёнида маълум бўлдики, **«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»**ги қонуннинг 20-моддасида таълим муассасалари ва турар-жой даҳаларини зарур жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари мажмуини барпо этмаган ҳолда қуриш ва қайта қуришга йўл қўйилмаслиги ҳақида аниқ ёзиб қўйилган экан. Кўраяпсизми, қонунда бу нарса бор, биз эса янгидан велосипед ихтиро қилиб ўтирибмиз. Мустақиллик йилларида қонунчилик борасида яратилган ҳужжатларда, умуман, халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун жуда кенг қонуний имкониятлар яратилган. Биз фақат уларни билмаймиз. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига кўп нарса, жумладан, Президентимиз таъкидлаб ўтган тизимни барпо этиш масаласи ҳам чамбарчас боғлиқдир. Чунки мазкур тизимда эртага бугунги ёшлар яшайди, аниқроғи, турли соҳаларда фаолият кўрсатиб уни бошқаради.

Бир неча ой бурун қўмитамиз ва юридик институти раҳбарияти ташаббуси билан мазкур институт ҳамда Миллий университет юридик факультети ва Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети талабалари иштирокида **«Ёш ҳуқуқшунослар»** клуби тузилди. Ушбу клубга кўплаб ёшлар аъзо бўлдилар. Мақсад жуда ҳам оддий: ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда шу соҳа нони ва тузи бўлган бўлажак ҳуқуқшуносларнинг салоҳияти ва қизиқишларига суянишдан иборатдир. Ушбу клуб аъзолари бир ойда бир марта тўпланиб, амалий ва назарий масалалар бўйича баҳс-мунозара, фикр алмашувлар ўтказиб туришади. Орада эса қонунчилик, ҳуқуқий тарғибот ва ёрдам, илмий фаолият билан шуғулланишади. Хусусан, Тошкент шаҳридаги мактабларга бориб ўқувчилар билан ҳуқуқий онгни шакллантириш юзасидан турли хил машғулот ва савол-жавобларни ташкил этишмоқда. Қўмитамизга келган баъзи бир қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Келгуси йил сентябр ойидан бошлаб эса мактабларда ҳуқуқшунослик масалалари бўйича мусобақалар ўтказишни ҳам мақсад қилганмиз. Агар иш яхши йўлга қўйилса, ушбу ташаббусни бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйиш ниятлари ҳам бор. Шу ўринда яна бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Инсоннинг ҳуқуқий саводхонлиги ва онгини унинг умуман саводхонлиги ва онглилиги даражасидан алоҳида қараб бўлмайди. Маърифатли кишида ҳуқуқий тафаккурнинг ривож топиши эҳтимоли бошқаларга қараганда анча баланд. Зеро, ҳуқуқ қачонки инсон маърифатли бўлса, фикрлай олса, шунга мутаносиб тарзда шаклланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил билан татбиқ этилаётган **«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»**нинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки мазкур дастур асосида таълим ва тарбия олган миллионлаб ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси ўз-ўзидан юқори бўлади. Демак, агар бугун биз ёшларнинг ҳуқуқий тафаккури юксалиши борасида қайғурар эканмиз, ушбу масалани тор доирада талқин этмасдан, кенгроқ миқёсда баҳо берган ҳолда **«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»**нинг ҳаётга тадбиқ этилишига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Жаҳон тажрибаси

ДАНИЯ: ҚОНУНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Данияда узоқ вақт урф-одатлар қонунчиликнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланиб келинган. Бироқ XX асрнинг сўнгги чорагида бу анъана “бузилди”. Гап шундаки, қонунчилик амалиёти миллий анъаналардан бироз бўлса-да, чекиниб, аввало, Скандинавия давлатлари қонунчилиги жараёнига уйғунлаштирилди. Скандинавия давлатларида сўнгги йилларда рўй бераётган интеграция жараёнлари мазмунан уйғун (ҳамкорликни тақозо этадиган) бир қанча қонунлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Шундай қилиб, мамлакат қонунчилиги тарихида асосий манба ҳисобланган “Кристиан V-Дания қонунлари” (у 1683 йилда қабул қилинган бўлиб, олти китобдан иборат) қонунлар мажмуи гарчи расмий тарзда бекор қилинмаган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзи қонунларни тубдан ислоҳ қилиш заруратини қўймоқда. Хўш, бу жараён бугун қандай кечмоқда? Бизни қизиқтирадиган томони шундаки, Данияда қонунлар лойиҳасини тайёрлашга жуда катта эътибор қаратилади. Қабул қилинаётган янги қонунлар албатта умумхалқ референдумида муҳокама қилинади. Янги қонунлар халқ муҳокамасидан ўтганидан сўнг парламентда уч ўқишда (уч марта муҳокама қилингандан сўнг) қабул қилинади. Бу жараён махсус қоида - тамойиллар орқали амалга оширилади.

Дастлабки қоидалар 1952 йилда (циркуляр тарзида) эълон қилинган. У Давлат вазирлиги томонидан тайёрланиб, барча вазирликларга тарқатилган. Одатда циркуляр талабларини бажариш мажбурий бўлган. Лекин сўнгги пайтларда бу ҳолат бироз ўзгарди: қоидалардан тавсиянома ёки йўриқнома тариқасида фойдаланилади.

Йўриқномада, аввало турли хил меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда терминлардан фойдаланишнинг фундаментал қоидалари белгилаб берилади. Мамлакатда фуқароларга мўлжалланган ҳамда давлат органлари учун махсус қоидалар тизими жорий этилган бўлиб, уларнинг биринчиси - “Ҳуқуқий хабарнома”да, иккинчиси - “Вазирлик хабарномаси”да ёритиб борилади.

Унда шунингдек, қоидаларнинг номланиши билан бевосита боғлиқ бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор берилади. Асосий қоидаларга қўйиладиган талаб шундай: номлар имкон қадар аниқ ва қисқа бўлмоғи керак.

Илгари қабул қилинган қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қоидалари ҳам ўзига хос: яъни, қонунга тузатиш киритилиши лозим бўлган моддалар аниқ кўрсатилиши шарт. Ва ниҳоят, циркулярда матнда қўлланилган ҳуқуқий характердаги баъзи термин, ибораларга изоҳ берилади.

“ҲУҚУҚИЙ ХАБАРНОМА” КОМИССИЯСИ

Мазкур комиссия Адлия вазирлиги томонидан 60-йилларнинг ўрталарида тузилган. Унинг зиммасига расмий “юридик” тилни ҳамма учун тушунарли тилга айлантириш вазифаси юклатилган. Комиссия мамлакат тил қўмитаси билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, “юридик” тилни оммалаштириш юзасидан бир қатор тавсияномалар тайёрланди ва улар бошқа вазирликлар учун хизмат доирасида фойдаланиладиган йўриқнома сифатида тарқатилди.

Табиийки, йўриқномада асосий эътибор матннинг тилига қаратилади. “Тил” йўриқномаси шуни назарда тутадики, юридик қоидалар ҳамма учун бирдек тушунарли бўлиши: яъни, матн тили равон ва аниқ, иборалар эса лўнда ва тушунарли (оммабоп) бўлиши керак. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда хорижий термин ва иборалардан имкон қадар камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда матннинг грамматик қурилишига шундай талаб қўйилади: асосий фикр ифоранинг (гапнинг) бош қисмида ифодаланиши, феъл эса от (сўз туркуми) билан ёнма-ён (узоқ бўлмаслиги керак) бўлиши лозим. Йўриқномада бир қанча махсус қиёсий грамматик конструкциялар амалда фойдаланиш учун намуна тариқасида берилади.

Йўриқномада амалдаги қоидаларга ўзгартиришлар киритиш ёки янги қонунни қабул қилиш юзасидан умумий характердаги тавсиялар берилади. Амалдаги қонунга тузатиш киритиш зарурати туғилган ёки бошқа қонунчилик меъёрлари қабул қилинган ҳолларда мавжуд қонунлар уларга уйғунлаштирилади. Йўриқномада, шунингдек, амалдаги қонунлар ўзгартириш ёки қўшимча киритилаётган муайян қонунга қандай таъсир кўрсатиш мумкинлиги олдиндан ҳисобга олинади.

Данияда тегишли қонунларга ўзгартиришлар киритишнинг яна бир жиҳати борки, унга кўра қабул қилинган баъзи қонунлар ҳали амалга киритилмаган бўлса, бундай вазиятда тузатиш киритилаётган қонунга (ўша қонун билан бевосита алоқадор бўлган моддалар) ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди. Шундай қилиб, бирор-бир қонунга тузатиш киритишда унинг амалдаги қонунларга нечоғлик уйғунлиги ҳар томонлама ҳисобга олинади.

Йўриқномада “тузатиш” киритилаётган қонунга бағишланган махсус бўлим ташкил этилади. Шундай қилиб, ҳар қандай янги қонунни тайёрлаш жараёни уч босқичдан иборат бўлиб, бу йўриқномада ҳам ўз аксини топади. Жумладан, унинг биринчи қисмида қонунга киритилаётган тузатишларга моддама-модда шарҳ бериб борилади. Иккинчи қисмида мазкур қонуннинг кучга киритилиши ва у билан боғлиқ бўлган вақтинчалик қоидаларнинг жорий этилиши хусусида сўз юритилади. Учинчи қисм Дания қонунчилиги учун характерли бўлиб (бу тўғрида қуйида батафсилроқ тўхталамиз), унда ҳар бир қонуннинг Гренландия ва Фарер оролларида амал қилиш тартиби кўрсатилади.

Ва ниҳоят, йўриқномада (масалага аниқлик киритиш мақсадида) тузатиш киритишга бевосита алоқадор бўлган турли қоидалар ҳам бериб борилади.

Қонунларга аннотация ёзиш ҳам 1998 йилдан буён кенг қўлланилмоқда. Қонунларга аннотация тузиш Дания ҳуқуқий анъаналарининг ажралмас қисми ҳисобланади. Аннотация парламентда дебат ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Унда қабул қилинаётган янги қонунинг мазмуни, моҳияти, амалий аҳамияти мухтасар ҳолда баён қилинади. Қолаверса, янги қонуннинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутадиган ўзига хос аҳамияти ва салмоғи кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, уни тайёрлашда бевосита ҳамкорлик қилган хорижий ташкилотлар билан амалга оширилган ишлар кўлами тўғрисидаги ҳисобот ҳамда экспертлар хулосалари илова қилинади.

Бундан ташқари, аннотацияда қабул қилинаётган қонунларнинг Европа кенгаши ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларига қай даражада уйғунлиги, унинг атроф-муҳитга таъсири ҳам ҳисобга олинади. Ва ниҳоят, унда муайян қонунда солиқ, бож ва маъмурий йиғимларни қай даражада кўзда тутганлиги ҳам албатта кўрсатилади.

Гренландия ва Фарер оролари ҳудудларида амал қиладиган қонунлар Дания қонунларидан анча фарқ қилиши мумкин. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларини ифодаловчи маҳаллий қонунлар Данияниг айни шундай қонунларидан тубдан фарқ қилади. Уларда, асосан маҳаллий урф-одат ва анъаналар устувордир. Шу ҳолат ҳисобга олиниб, бир қатор қонунчилик ҳужжатлари Гренландия учун махсус тайёрланган. Фуқаролик процессуал кодекси, мерос, никоҳ, болаларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги қонунлар шулар жумласидандир.

1954 йилда Гренландия учун Жинояти кодекси қабул қилинган. Шу нарса қизиқки, бу ерда илгари одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар қонун тарзида ифодаланмаган бўлсада, одат, қоида шаклида амалга оширилиб келинган. Мазкур кодекс Дания Жиноят кодексидан ўзининг айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Масалан, унда жиноятнинг аниқ турлари таркиби санкция кўрсатилмаган ҳолда расмий ифодасини топган. Жумладан, қамоқ ва ўлим жазолари умуман қайд этилмаган бўлиб, мажбурий меҳнат (жиноятчи озодликдан махрум этилмаган ҳолда), жарима тўлаш, шунингдек муайян ҳудудда яшаш ҳуқуқидан махрум этиш каби жазо чоралари қўлланилади (албатта, ўта хавфли жиноятчилар бундан мустасно).

Дания қонунчилигининг яна бир ўзига хос томони шундаки, мамлакатда суд прецедентларига ҳам қонунчилик манбаи тарзида қаралади. Баъзи бир ҳуқуқий институтлар (муассасалар) фаолияти асосан прецедент ҳуқуқий меъёрлари асосида бошқарилади. Лекин амалиётда суд прецедентларини қўллаш қатъий қоида (Англиядаги каби) тусини олмаган. Суд қарорлари ўта аниқлиги билан эътиборни ўзига жалб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Данияда қонунларни тайёрлаш жараёни ўзига хос бўлиб, бу тажрибани ўрганса бўлади.

Хусан ИБРОҲИМОВ
тайёрлади

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ОҒИЗ СУТИ

Навоий асарларида она ва бола талқинлари

Миллий одобномамиз — таълим-тарбияда фарзанднинг она олдидаги қарздорлиги-ю, бурчдорлиги бу қадар улуғланиши бежиз эмас. Чунки дунёдаги ҳеч бир меҳр онанинг боласига бўлган муҳаббатига тенг келолмаса керак. Ҳатто зоҳиран она дилбандига бадмеҳрлик ё боринги, очиқ адоват қилгани тақдирда ҳам, бир кун келиб қалбида қутилмаганда ва ғайриихтиёрий равишда оташин меҳр-муҳаббат жўш уриши мумкин.

Навоийнинг «Таърихи мулуки Ажам» асарида ўқиймиз: «Ҳумой рою хирадлиғ (ўй-фикрли, ақлли) хотун эрди. Баҳманддин (эри - Баҳмандан) сўнгра тахтқа ўлтурди. Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди (кўзи ёриди) ва салтанат ҳубби (меҳри) қўймадиким, ўғлини подшоҳликка мансуб қилиб, ўзи анга муҳофазат қилғай (қарам бўлгай). Ани (ўғлини) бир сандуққа солиб, қийр (қора мум) била маҳкам қилиб, дарёга солди. Дебтурларки, бир гозур (кир ювувчи) иликига (қўлига) тушуб, ани фарзандчилай (фарзанд қилиб) асраб, тарбият қилди. Булуғ ҳаддиға (балоғат ёшига) еткандин сўнгра салтанат гавҳари ўз ишин қилиб, гозурлуқ (кир ювувчилик) ишин макруҳ тутуб (ёқтирмай, ундан ор қилиб), илму фазл ва адаб касбин қилиб силоҳшўрлуқ (қурол-аслаҳадан фойдаланишни) ўрганиб, сипоҳийлик (аскарлик) қоидасин хўб (яхши) билди».

Кўрдингизми, ирсият шунчалик кучли эканки, асли ўзининг шоҳ ўғли эканини билмаса ҳам, бу бола барибир шаҳзодалар каби касбу корларга қизиқади.

Кир ювувчи чақалоқни сувдан топиб олгани учун унга Дороб («дор» - ол, «об» - сув дегани) деб от қўяди. Охири Дороб ўзининг кир ювувчи ўғли эмаслигини ичдан ҳис қилади. Тарбиялаган отасидан аниғини сўрайди. Кир ювувчи ростини айтишга мажбур бўлади. Шундан сўнг сандиққа солиб юборилган бойликлардан қолганини Доробга топширади. Дороб бу бойликларга қурол-аслаҳа сотиб олиб, мамлакатда давом этаётган жангга киришиб кетади.

Шундай қаҳрамонликлар кўрсатадики, овозаси подшоҳ онаси — Ҳумойга ҳам етиб боради. Ҳумой бу донғи чиққан паҳлавон йигитни кўрмоқчи бўлади. Аскарлар жангдан қайтганидан кейин уруш тафсилотларини таҳлил қилиш учун Ҳумой жабҳа кетаётган ерга яқин боради. Шунда узоқдан Доробни кўрсатадилар.

Йигитга нигоҳ ташлаган заҳоти кутилмаган ҳодиса юз беради, Навоий сўзлари билан айтганда: «Кўзи анга тушкач, кўнглига изтироб тушуб, эмкочига сут келди»!..

Шундан кейин она Доробдан бор гапни сўраб, аниқлаб оладики, бу — ўзининг ўғли. Ёшлигида қилган ўз ишига пушаймонлар еб, тахтни ўғлига топширади.

Ўз ўғлини танимайдиган онанинг неча йиллардан кейин уни кўриб қолганда кўкрагига сут келиши ҳодисаси «Тарихи мулуки Ажам»нинг яна бир ерида тилга олинади. Бу Искандар Зулқарнайн ҳаёти билан боғлиқ ҳикоядир.

Бир қарашда бу ҳикоялар шунчаки афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳозир гап она меҳри ҳақида. Орадан йиллар ўтиб, вояга етган ўғлини кўриб қолган онанинг кўкрагига сут келадими-йўқми — буни илман аниқлаш тиббиёт фанининг иши. Бироқ неча йиллардан кейин боласини кўриб қолган оналар қалби-ю, руҳида, жисму жонида фавқулодда ўзгариш юз бериши табиий. Чунки фарзанди қорнидалик пайтидаёқ Оллоҳнинг каромати билан онада боласи учун ризқ — оқ-оппоқ сут пайдо бўлади, ахир.

...Оғиз сути бандаларга инъом этилган буюк неъматдир. Бухоро ва Наманган тарафларда оғиз сутини «палла» (асли - «фалла») дейдилар. Соғлом, паҳлавон йигитларни кўришганда «Бу палладан тўйган йигит экан», - деб қўядилар. Агар бола туғилганидан кейинги дастлабки кунларда ўз онасини эмиб, оғиз сутидан яхшилаб тўйиб олса, бир умр соғлом бўлади.

Оғиз сутининг таркиби фойдали моддаларга бой. Одамлар ҳатто сигирнинг оғиз сутини ҳам ўта тансиқ таомлардан бири сифатида истеъмол қиладилар.

1993 йилнинг кузида телевидениемизнинг дастурларидан бирида Тошкентдаги бир гуруҳ олимлар оғиз сутининг бола ривожи учун ниҳоятда муҳим аҳамияти борлигини илман асословчи тадқиқотни якунлаганлари ҳақида хабар берилди. Фаннинг исботига кўра, таркиби нуқтаи назаридан ҳеч бир сут оғиз сутининг кучига тенг кела олмас экан.

Аммо шўро даврида неча йиллар мобайнида туғруқхоналаримизда чақалоқларимизга биринчи кунлари худди қасддан қилингандек, онасининг эмас, аксинча, бошқа оналарнинг сути берилиб келинди.

Бунинг бизга тўғри келмайдиган тарафлари бор. Қадимдан ота-боболаримиз ҳаётлари кўп жиҳатлардан илмий ҳақиқатлар асосига қурилган, илм билан оддий турмуш уйғунлашиб кетган эди. Ана шундай илмий яшаш ақидасига кўра, гўдак бошқа онани эмса, энди бу бола ўша сут берган аёлнинг фарзанди билан турмуш қуриши мутлақо мумкин эмас. Бу ўз туғишган укаси, ё синглиси билан турмуш қургандай бир гап. Ҳозир ҳам баъзилар эмизган аёлни ўз онасидек кўради. Қадимда сут эмишганлар аро ака-ука, опа-сингиллик, яъни қўкалдошлик жуда қадрланган.

Буни Навоий асарларидаги тасвирлардан ҳам топамиз.

«Фарҳод ва Ширин»да Баҳром Фарҳодга қўкалдош; яъни улар ўзаро сут эмишган. Баҳром асарда илк бор Фарҳод тилсимли ойинада Ширинни ва ўзини кўргани воқеаси тасвирида тилга олинади. Эсингизда бўлса, ойинадаги тасвирда Ширин жамолини кўрган Фарҳод ҳушидан кетиб, йиқилади. Бир кеча-кундуздан кейин ҳушига келганида эса унинг бошида яқинлари қаторида қўкалдоши — Баҳром ҳам йиғлаб ўтирган эди:

...Кўз очиб кўрди боши узра хайле,
Тўкуб кўз ёшидин юз узра сайле.

Чу йиғлар эрди Мулкорову Баҳром,
Аларға лутф бирла берди ором...

Ўлими олдидан эса Фарҳод шамол, яъни боди сабога илтижо қилади. Ундан Чину Хитойга бориб, яқинларига васиятларини етказишни сўрайди. Қўкалдоши — Баҳромга ҳам алоҳида айтар сўзи бор:

...Чериклар жамъ айлаб бемудоро,
Буён қилса азимат ошкоро,

Қиличи тўйғариб Хусравни жондин,
Тиласа бегуноҳ қонимни ондин!

Бир оздан кейин Фарҳод яна Баҳромни эсга олади:

Яна Баҳромға еткур саломим,
Чу екурдунг саломим, де паёмим, -

Ки: «Эй, жоним топиб жонингға пайванд,
Кўкалтошу ини, шогирду фарзанд!

Гар оҳингдан чиқорсанг чарх уза дуд,
Не суд ондин сангаву не манга суд, -

Ки истарсенки, теккай ерга ёним,
Бўлуб хушнуд сендин хаста жоним.

Не бир дам тин, не бир соат таёнғил,
Не ҳарбу кина сурмақдин ўсонғил.

Буён азм айламак жазм айла филҳол,
Черик жамъ айлабон азм айла филҳол.

Бу ишдин роҳати жонимни иста,
Топибон қотилим, қонимни иста!..»

Хуллас, халқ эмишганликни ўта қадрлаганлиги учун ҳам Навоий Баҳромни Фарҳодга қўкалдош янглиғ тасвирлайди.

Қўкалдошлик қадимдан эмишганлар аро ўзаро турмуш қуриш ҳодисасига йўл қўймаслик учун ҳам шу қадар эъзозланган бир удум эди. Ҳатто бир аёл бир-бирига бегона икки хотиннинг боласини эмизди, дейлик. Энди ана шу уч онанинг фарзандлари ҳам ўзаро эмишганлар ҳисобланади.

Бир уюр от дарё кечиб ўтибди. Улардан бири кирғоққа чиққан заҳоти оёқ қоқиб, сувларини селкибди. Буни кузатиб турган бир кекса отахон йилқибоқарга:
- Шу отингнинг онаси ўлиб қолган экан-а, - дебди.
- Ҳа. Қаёқдан била қолдингиз? - деб сўрабди йилқибоқар.
- От сувдан чиқиб оёқ қоқмайди. Бу — сигирларнинг одати. Шу отингни сигир сути билан катта қилган экансан, шу одати сут билан ўтибди-да...

Соғлом авлод учун ўзаро бир-биридан узоқ қонлар қўшилиши керак. Олтой халқида, ҳатто қариндошлар аро турмуш қуриш у ёқда турсин, уруғдош кишилар ҳам ўзаро бир ёстиққа бош қўймайдилар. Ҳар бир олтой, ўз-ўзидан, қон жиҳатидан икки уруғнинг вакили ҳисобланади. Уруғ белгилашда отанинг уруғи ҳисобга олинади.

Корейсларда ҳатто бир фамилиядаги икки ёшга ҳам ўзаро турмуш қуришга рухсат берилмас экан...

Булар хурофот ёки шунчаки миллий анъаналар эмас. Бу — қадимдан илмга асосланиб ҳаёт кечиришнинг оддий намунаси.

Аммо собиқ шўро замонининг сўнгги ўн йилликлари мобайнида, фан-техника инқилоби байроқ қилиб олинган бўлса ҳам, амалда кўп масалаларда илмий ҳақиқатларга хилоф йўллардан юрилди.

Хаёл бизни яна тарих сари етаклайди. Илмий асарларда «Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий билан қўкалдош, яъни эмиқдош эди», деган қайдга дуч келган бўлсангиз керак. Профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг хулосаларига кўра, мантиқан Навоийнинг онаси Ҳусайн Бойқаронни эмизган бўлиши керак. Мутафаккир шоирнинг ўзи тузган дастлабки девони «Бадойиъ ул-бидоя»нинг «Дебоча»сида келтирилган

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи, -

деган сатрлари ҳам шундай фикр юритишга асос беради. «Бу остон» деганда шоир темурийлар хонадонини кўзда тутган. Темурийлар билан Алишерлар хонадони ўртаисда қўкалдошлик эса Бойқаро ва Навоий даврларигача бошланган эмас, унинг тарихи жуда узоқ эди. Бу ҳақда Абдуқодир Ҳайитметов ва Марғуба Мирзаахмедовалар беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг Алишер Навоийга бағишланган 2-жилдида (1977) шундай ёзадилар: «Алишернинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош бўлиб, Бойқаро Мирзо ҳукмронлиги даврида Қандаҳорда амир бўлган. Демак, Алишернинг ота-боболари темурийлар билан эмиқдош бўлганлар ва уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам бериб, улардан баъзиларининг ҳурмат ва ишончини қозонганлар».

Кўринадики, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасида фақат мактабдошлик, ёлғиз шоҳу вазирлик, яккаш ўзаро дўстлик, биргина қаламдошлик эмас, бевосита сут орқали ўтган қон жиҳатдан яқинлик ҳам бор эди ва буни улар қадрладилар.

Ҳамма замонларда ҳам баъзи оналарнинг сути камлик қилиб қолиши, эмизикли онанинг касалга чалиниши каби ҳодисалар бўлиб турган. Бундай маҳалда, албатта, эмизикли гўдаги бор бошқа бир она келиб, ўша сути оз ё дардманд онанинг боласини эмизган. Аммо катта бўлгани сари ўша болага уқтириб борилганки, у фалон аёлни эмган ва ўша хотин ҳам бунинг учун она мақомида туради, унинг фарзандлари бунга ака-ука, она-сингил янглиғ бўлади. Ҳаётда мисоллар жуда кўп: эмишганлар ана шундай сут туфайли юз берган қариндошлик ришталарини узоқ йиллар мўътабар сақлайдилар, қўкалдошлар аро турмуш қуришга сира йўл қўймайдилар.

Бундан буён ҳам айрим аёлларнинг сути кам бўлиши, саломатлиги боласини эмизишга йўл бермаслиги мумкин. Шундай маҳалда сути кўпроқ соғлом оналар ёрдамга келиши — буюк инсоний фидойилик бўлар эди. Аммо бошқа аёлнинг эмизиши содир бўлганда, туғруқхоналарда ўша аёлнинг манзили, исму насаби сути кам онага расман ёзиб берилиши, унга таништириб қўйилиши шарт. Ота-бобомиз каби биз ҳам қариндошлик ришталарини узмаслик тадоригини кўришимиз керак.

Бу шунчаки маънавий жиҳатдангина эмас, такрор айтилаётганидек, келажак авлодимиз қони мусаффолиги учун ҳам ниҳоятда зарур. Эҳтимол, комиллик сари интилиш шундан бошланса керак...

Султонмурод ОЛИМ

ТАҚДИМОТ

Республика Миллий матбуот марказида «Ҳаёт ва қонун» илмий-оммабоп, ижтимоий-ҳуқуқий журнали янги талқиндаги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда Адлия вазирлиги марказий маҳкамаси масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари, Республика ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази мутахассислари, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда журнал Бош муҳаррири, юридик фанлари доктори Турсунбой Мирзаев янги талқиндаги нашрнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида батафсил тўхталди.

- «Ҳаёт ва қонун» Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан нашр этилганди. Бу нашрга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши бизни изланишга даъват этмоқда, - деди у. - Янги талқиндаги нашр фақатгина ҳажми, шакл-шамойили билан эмас, балки мавзу доираси, бадиий безаш имкониятлари янада кенгайганлиги билан ҳам олдингисидан фарқ қилади.

Тақдимотда Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Ш.Файзиев, Республика ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази раҳбари Ғ.Абдумажидов, Миллий матбуот маркази бошлиғи А.Каримов, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази раҳбари О.Маҳмудов ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур журнал фаолиятини янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.



Нурмамат АЛМУРОДОВ

Ҳикмат

ОТАЛАР ДЕЙДИКИ:

маънавий қаҳатчилик бўлган ерда иқтисодий фаровонлик бўлмайди.

* * *

тупроқ остидаги илдиз ўз зурриёдини ёруғликка чиқаришга интилади.

* * *

ўтмишидан кўз юмган — ҳозири ва келажагини кўролмайди.

* * *

оқил одамлар вақтнинг ғурбатини ўзи билан қўшиб ўтказиб юборадилар, хурсандчилигини эса олиб қолишга ҳаракат қиладилар.

* * *

салбий ишлардан ўзини тиймаган одам ўз умрининг лаззатларини барбод қилади.

* * *

кекса одамга қаттиқ гапирма, бир куни ақлинг кириб, қайтиб келганингда у ўша ранжингни кўтариб кетган бўлади.

* * *

хушчақчақ улфатлар орасига кириб қолган бемор ўзини енгил ҳис этади.

* * *

булоқнинг гўзаллиги табиат эҳсонидир.

Бу ажиб дунё

ЧАЁН — ШИРИН ТАОМ

Европада оқсил ва моллар қутуриши касалликларининг рўй бериши бутун дунёда бу касаллик билан оғримаслик учун нима билан озиқланиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Энг осон йўл — гўшт емаслик. Сянган, Сингапур ва Тайпейда (Хитой) акуладан қилинган таомларнинг, айниқса, акула қанотидан тайёрланган маставанинг бозори чаққон. Сабаби, мастава мазали бўлиши билан бирга эркаклик қувватини ҳам оширади.

Қўрда пиширилган чумоли, қора чигиртка ва ҳатто заҳарли чаёнлар устига шоколад кукуни сепилган таомларни истеъмол қилиш, айниқса, расм бўлиб қолмоқда. Бу таомнинг устаси Тодд Далтон аввал Луизиана, Осиё ва Марказий Америкада ном қозонган бўлса, энди Европани «эгалламоқда». Бир кишилик «ҳашорат» — 5 доллар. Бу нодир таомга талаб кучайгандан-кучайиб бораётир.

АҲОЛИ КАМАЙМОҚДА

Россия Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, мамлакат аҳолиси кейинги 10 йил давомида 2,2 фоизга ёки 3,3 миллион кишига камайган.

- Бу ҳолат мамлакатда давом этаётган ижтимоий-иқтисодий бухроннинг оқибати эканлиги жамиятшуносларни ташвишлантирмоқда, - деб ёзади «Труд-7» газетаси.

ЁНҒИН ЁРДАМИДА... ЎҒРИЛИК

Рибинскдаги «Радуга» маданият уйида бўлиб ўтаётган ёшларнинг дам олиш тадбирида 500 одам йиғилган бўлиб, тунги соат учларда ўйин ва ширакайфлик маромида эди. Шу пайт ертўлада ахлат гуруллаб ёна бошлади. Тутун бинони қамраб олди. Ёшлар саросимага тушиб, деразадан ташқарига сакрашди. Жами 10 киши жароҳатланди.

Ёнғин тезда ўчирилди, бино тутундан тозаланди. Шундагина миршаблар осиб қўйилган 40 та қимматбаҳо устки кийимлар йўқолганини аниқлашди. Текширув олиб борилмоқда. Ёнғин кийимларни оммавий ўғирлаш учун атайлаб уюштирилган, деган тахмин ҳам бор.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида Собир ЭРГАШЕВ тайёрлади

ФОТОҲАЗИЛ...

Синоптиклар берган маълумотга кўра, кеча айрим жойларда ҳарорат иссиқ бўлди, баъзи ерларда ёмғир томчилади. Бугунги об-ҳаво маълумотини эртага эшитасиз...

КЎЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ

Бир киши халлослаб полиция маҳкамасига кириб келди.

- Жаноб капитан, кинодан чиқаётганимда бир ўғри клуб ёнида турган машинамни миниб қочиб кетди.

- Хўш, сиз ўша одамнинг кимлигини таниб қолдингизми?

- Йўқ, уни таниб қололмадим, аммо машинамнинг номерини ёзиб олишга урлгурдим, холос.

* * *

Судья айбланувчидан сўради:

- Демак, сиз фақат пулларни эмас, жавонда турган тилла тақинчоқларни ҳам ўмариб кетгансиз, тўғрими?

- Тўғри, жаноб судья, чунки бахт фақат пулда эмаслигини ўзингиз ҳам мендан яхшироқ биласиз.

* * *

- Олдин бирон марта судланганмисиз?

- Йўқ, жаноб судья, аммо бундан беш йил аввал чўмилиш ман этилган жойда чўмилганим учун 200 марка жарима солишган.

- Хўш, ундан кейин-чи?

- Ўшандан бери чўмилганим йўқ, жаноб судья.

* * *

- Кеча кўчада сизга йўлтасарлар ҳужум қилишдими?

- Ҳа, соатимни ҳам, ҳамёнимни ҳам олиб қўйишди, аблаҳлар.

- Шикоятингизда ёзишингизча, сиз доимо ёнингизда ўқланган тўппонча олиб юраркансиз, шу ростми?

- Рост, жаноб судья, аммо бахтимга уни йўлтўсарлар топишолмади.

* * *

- Энг яхши разведкачилар энг ёмон ўқувчилардан чиқади, - деди ўқитувчи ҳарбий таълим дарсида.

- Нега бундай деб ўйлайсиз? - сўрашди тингловчилар.

- Ҳа, энди агар у қўлга тушиб қолган тақдирда душманлар ундан ҳеч нарсани билиб олишолмайди-да.

* * *

- Бугун автобус ҳайдовчиси менга шунчалар ўқрайиб қарадики, бамисоли чиптам йўқдек...

- Хўш, кейин нима бўлди?

- Нима бўларди?! Мен ҳам гўё чиптам бордек шартта юзимни тескари ўгириб олдим.

Йўлдош ПАРДА тайёрлади

Саволлар беринг!

Уларни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида, айниқса, оилавий пудрат масалаларида чек дафтарчалари тўғрисида кўп гапирилмоқда. Чек дафтарчаларини жорий қилишдан мақсад нима, ундан фойдаланишнинг тартиби қандай? Шу тўғрида батафсил маълумот берсангиз.

Мўмин Аъзамов,
Ургут тумани,
«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги

Ушбу саволга Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Холмурод АБРАЕВ жавоб беради.

Чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган **«Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»**ги Йўриқномада берилган. Чек тизимини тадбиқ этишдан мақсад хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, оила пудрати ва ички хўжалик бўлинмаларида сарф-харажатларни камайтириш механизмини жорий қилишдан иборат. Чек ички хўжалик ҳисобида ишловчи оила пудратчилари ва бўлинмалар билан ҳисоб-китобларни олиб бориш учун мўлжалланган.

Чек дафтарчаси ҳар бир экин тури учун юритилиб, ҳисобот даврида сарфланган харажатлар моддалари бўйича алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун ички хўжалик шартномаси тузилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида оила пудратчи ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларига меъёрий ҳужжатлар асосида лимитлари кўрсатилган чек дафтарчалари тарқатилади.

Чек дафтарчасига ёзилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаб, хўжалик раҳбари, бош ҳисобчи ва бош иқтисодчи имзо қўяди ҳамда улар харажат лимитларининг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланадилар. Пудратчи хўжалик раҳбариятидан чек дафтарчасида белгилаб берилган лимит миқдорида уруғ, минерал ўғит ва бошқа ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий бойликлар ажратилишини талаб қилиб олишга ҳақли.

Чекнинг белгиланган жойига чек олувчи ва берувчи имзо қўяди, унинг асосий қисми оила пудратчисида қолади.

Молия-ҳисоб маркази томонидан оила пудратчилари ва бошқа ички хўжалик бўлимларига берилган чек дафтарчаларини қалбакилаштириш ва унинг шаклларини ўзгартириш, унга нотўғри маълумотлар киритиш ҳоллари аниқланган тақдирда тегишли шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликкача бўлган жазо чоралари қўлланилади.

Адолат қарор топди

РАИСНИНГ ВАЖИ ЎТМАДИ

Чироқчи туманидаги «Кўкдала» хўжалиги Январ қишлоғида яшовчи оила пудратчиси Тоир Аҳмедов ширкат хўжалиги билан ўзаро тузилган шартнома асосида ошириб топширган ҳосили учун қонуний ҳақини ололмаётгани ҳақида вилоят Адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Адлия бошқармаси унинг манфаатларини кўзлаб, даъво аризаси билан Чироқчи туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилди.

Суд раиси Даврон Ашуровнинг айтишича, Тоир Аҳмедов «Кўкдала» (қишлоқ хўжалик кооперативи) ширкат хўжалиги билан 1998-1999 йиллар ҳосилидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш тўғрисида (15 ноябр 1998 йил) ички хўжалик шартномаси тузиб, ўзига бириктирилган 400 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан 10 центнердан (жами 400 тонна) буғдой маҳсулоти етказиб бериш мажбуриятини олган. У шартномага асосан 400 тонна буғдой ўрнига 600 тонна, яъни режадагидан 200 тонна зиёд буғдой етказиб берган. Хўжалик эса ўз навбатида шартнома шартига кўра топширилган ортиқча маҳсулотни 12-30 фоизигача оила пудратчиси фойдасига бериш мажбуриятини олган. Ўзаро келишувга кўра пудратчи 24 тонна ғалла маҳсулотини натура ҳолида олиши лозим эди. Лекин афсуски, хўжалик бор-йўғи 2 тонна 300 кг буғдой бериб, қолган қисми, яъни 22 тонна 700 кг буғдойни ҳозирги кунга қадар бермасдан келаяпти. Бу жами 2 млн. 724 сўмни ташкил қилади. Оила пудратчиси ҳалол меҳнат қилиб, ошириб етиштирган ҳосили учун тегишли ҳақини ололмай сарсон-саргардон бўлган.

Тоир Аҳмедов шартнома бўйича қонуний ҳақини талаб қилиб, бир неча бор хўжалик раҳбарига мурожаат қилган, лекин хўжалик раҳбарлари, ўша йилги хўжалик ғалла бўйича давлат режасини бажара олмаганлигини рўкач қилиб, унга тегишли бўлган ғалла ҳосилини бермаган. Хўжалик раҳбари Абди Турдиев эса ўзининг суддаги баёнотида даъвогарнинг даъвосига эътироз билдириб, Тоир Аҳмедов билан собиқ бошқарув раиси шартнома имзолашгани, ошириб топширилган ҳосил учун ҳақ фақат хўжалик давлат режасини бажаргандан кейингина берилиши мумкинлигини, хўжалик эса давлат режасини бажаролмаганлиги учун унга тегишли бўлган ғалла ҳосилини бериш имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, даъвони рад этишни сўради. Раиснинг бу важи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1994 йил 29 август) **«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»**ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 438-сонли қарорининг 12-бандига кўра, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг **«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»**ги Қонунининг 21-моддаси ҳамда Фуқаролик кодексининг 382-383-моддалари талабларига кўра асоссиз деб топилди.

Суд қарорига биноан жавобгардан даъвогар фойдасига 25 минг сўм маънавий зарар ҳамда 2 миллион 724 минг сўм ундириб бериладиган бўлди.

Адолатли қонунларимиз деҳқоннинг манфаатини ҳимоя қилди. Раиснинг важи эса ўтмади.

Гози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Бухоро мавзусидаги суратлар муаллифи «Инсон ва қонун» махсус мухбири Ражаббой РАУПОВ.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: Р. САИДОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютер оператори: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.